

ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Маткаримов Ф.Б.

УрДУ Туризм ва меҳмонхона хўжалигини бошқариш қафедраси стажор-ўқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7029209>

Аннотация. Уибу мақолада қишлоқ туризмини ривожлантиришида хориж мамлакатлари тажрибалари ўрганилган. Хориж мамлакатларининг қишлоқ туризми тажрибаларини Ўзбекистон Республикасида қўллаш имкониятлари ўрганиб чиқилган. Таҳлил учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришида ривожланган мамлакатлар қишлоқ туризм моделлари асос қилиб олинган. Мақолада мамлакатда қишлоқ туризмини ривожлантириши ва уни такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, туристик фирмалар, меҳмонхоналар, агротуризм, фермер хўжаликлар, экотуризм, танишии туризми, моделлар, гастротуризм.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОГО ТУРИЗМА

Аннотация. В данной статье рассматривается опыт зарубежных стран в развитии сельского туризма. Изучены возможности применения опыта зарубежного сельского туризма в Республике Узбекистан. В основу анализа положены модели сельского туризма развитых стран в условиях развития сельского хозяйства. В статье разработаны предложения и рекомендации по развитию и совершенствованию сельского туризма в стране.

Ключевые слова: сельское хозяйство, турагентства, отели, агротуризм, фермы, экотуризм, знакомства, модели, гастротуризм.

THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE DEVELOPMENT OF RURAL TOURISM

Abstract. This article examines the experience of foreign countries in the development of rural tourism. The possibilities of applying the experience of foreign rural tourism in the Republic of Uzbekistan are studied. The analysis is based on rural tourism models of developed countries in the development of agriculture. The article develops proposals and recommendations for the development and improvement of rural tourism in the country.

Keywords: agriculture, travel agencies, hotels, agritourism, farms, ecotourism, dating, models, gastrotourism.

КИРИШ

21-аср бошларида туризм дунёнинг кўплаб давлатлари ва минтақаларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда туризм иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган ва юқори рентабелли тармоқларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларининг биргаликдаги фаолиятига кучли таъсир кўрсатади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда туризм соҳаси иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Ушбу соҳани ривожлантириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60 сонли фармони доирасида мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи 100 та мақсад

ишилаб чиқилди. 34-мақсадга кўра “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида худудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш. Худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш вазифалари қўйилган. 35-мақсадга кўра “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш вазифалари қўйилган. Бу вазифаларни амалга оширишда қишлоқ туризмини ривожлантириш муҳим омил саналади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Қишлоқ туризмига биринчи бор 1986-йилда Европа Хамжамиятлари Қомиссияси (Commission of the European Communities) томонидан таъриф берилган. Таърифга кўра қишлоқ туризми бу қишлоқ худудида амалга ошириладиган ҳар қандай туристик фаолиятдир.

Европа Хамжамиятлари Қомиссияси қишлоқ туризмига кенгроқ фаолият сифатида қарашган. Яъни қишлоқ жойида амалга ошириладиган туристик жараёнлар. Буларга қишлоқ байрамлари, урф-одатларини ўрганиш, қишлоқ меҳнатида иштирок этиш, ёки қишлоқ жойларида отлар миниш, фермер хўжаликлари ташриф буюриш ва бошқа бир қанча туристик фаолиятларни назарда тутишган.

Инглиз олимларидан бири профессор Бернард Лейн ўз тадқиқот ишларида қишлоқ туризми бу қишлоқ жойларида маҳаллий ахоли билан боғлиқликка эга бўлган фаолият, ўз кўлами ва фунқсиялари бўйича ўзига хосликни акс эттирадиган қишлоқ муҳити, иқтисодийоти, тарихи ва унинг иқтисодий - географик холатини тасвиirlаридир дея айтиб ўтган.

Бернард Лейн қишлоқ хўжалиги ахолисининг туристлар билан ўзаро алоқасига алоҳида тўхталиб ўтган. Қишлоқ худудида меҳмон уйларини ташкил этиш, фермер хўжаликлирида агротуризмни ривожлантириш орқали қишлоқ ахолисини иш билан таминлаш ва туристлар билан мулоқат қила олиш билимини ошириш мумкин.

Қишлоқ туризмини белгиловчи омилларни, Бутун Жаҳон Туристик Ташкилоти ғояларига кўра, тўртта блокга бирлаштириш мумкин: қишлоқ жойлари, қишлоқ турмуш тарзи, қишлоқ мероси, қишлоқ туристик фаолияти.

Лондонлик тадқиқотчи М.Ж.Стаблер ўзининг „Туризм ва барқарорлик: тамойиллардан амалиётгача” номли китобида қишлоқ туризми туризм индустрисининг фойдаланишга йўналтирилган тармоғидир. Қишлоқнинг табиий, маданий, тарихий ва бошқа бойликларини ривожлантириш ва унинг интеграциялашган туристик маҳсулотни яратиш хусусиятларидир дея таъриф билдириган.

Россия илмий адабиётларида қишлоқ туризми тушунчасини аниқлашнинг турли ёндашувлари ва атамалари мавжуд. Шулардан бири Л.С.Колосова томонидан билдирилган таърифга кўра агротуризм, агроекотуризм қишлоқдаги туризм деб таърифлайди, бунга кўра туристлар ўз таътиллари давомида ферма ва фермер хўжаликлари қишлоқ турмуш тарзини олиб боришлари мумкин. М.Биржаков асарида қишлоқ (қишлоқ туризми) туроператорлар ва турагентлар орқали ташкил этилган якка туристларнинг қишлоқда дам олиши сифатида талқин этилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишимиизда моделлар, статистик анализ, гурухлаш ва таққослама усуллари кузатув ва таҳлил қилиш методларидан кенг фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Европа мамлакатларида 18-асрларда шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги муносабатлар характеристи жиғдий ўзгарди. Ишлаб чиқарып суръати тезлашды, фабрикалар ва заводлар шаҳар қиёфасини ўзgartирди. Барча мамлакатларда саноат босқичидан ўтаётганда лизинг, қишлоқ ва шаҳар ахолисининг нисбати ўсиш йўналиши бўйича ўзгарди. 19-асрларда Европада қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтишнинг(миграциянинг) энг юқори кўрсаткичлари қайд етилди.

Аммо хозирда шаҳар шовқинидан чарчаган, табиий маҳсулотларни истаётган одамлар қишлоқ жойларига саёҳат қилишни хоҳлашмоқда. Турли ҳил манбаларга кўра ҳар йили дунё бўйлаб саёҳат қилувчи туристларнинг 12% дан 30 % гача қисми қишлоқ туризмини афзал кўришади. Қишлоқ туризми қишлоқнинг табиий, тарихий ва бошқа бойликларидан фойдаланишга асосланган турли ҳил туризм турларини бирлаштириб, жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда хориж мамлакатларида туризмнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб қишлоқ туризми ҳисобланмоқда. Жаҳон амалиётида туризм соҳасини ривожлантиришга туртки бўладиган асосий йўналишларидан бири сифатида қишлоқ туризмига қаралмоқда. Франция, Италия, Испания, Германия, Швецария, Ирландия каби мамлакатлар қишлоқ туризмининг минтақавий моделларини шакллантиришда етакчи бўлиб келишмоқда.

Қишлоқ туризми Европада 1970-йиллардан бошлаб пайдо бўлган. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ туризмининг жадал ривожланишига қўйидаги муаммолар сабаб бўлган. Ишлизикнинг юқорилиги, қишлоқдаги ишчи кучларининг шаҳарларга кўчиши, агробизнесларни бирлаштириш, қишлоқлардаги ахолининг даромадини ошириш ва бошқалар.

Қишлоқ туризмининг яна бир афзаллиги қишлоқ жойларида дам олишнинг бошқа туризм турларига қараганда арzonлиги бўлди. Ўрта даромадли фуқароларнинг табиат қўйнида ёлғиз дам олиши, дехқон оиласи ҳаёти билан яқиндан танишиши, янги сабзавот ва мевалар, гўшт ва сут маҳсулотларини татиб кўри билан бирга қишлоқ хўжалиги ишларида ҳам бевосита иштирок этади. Ғарбий Европада 40 миллионга яқин фуқаро курортлардан кўра қишлоқ туризмини афзал кўрди. Қишлоқ туризмининг асосий иштирокчилари кичик ёшдаги болалардир. Болалар уй ҳайвонларини боқиши ва уларни ўрганиши, меваларни йиғишни яхши қўрадилар.

Рус олимлари қишлоқ туризмини тартибга солишга қўйидаги тўртта ёндашувни аниқладилар (1-чизма). Бу қишлоқ хўжалиги хизматлари бозорининг турли иштирокчилари туризм мотивларни кўрсатишга имкон яратади.

Юқоридаги бошқарув функцияларидан шуни кўришимиз мумкинки, қишлоқ туризмини ривожлантиришдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири бу экологик жиҳатдан атроф мухитга зарарни камайтириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ахоли турмуш тарзини оширишга қаратилган.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда бутун дунё бўйлаб етакчи моделлардан бири сифатида Франция, Италия, Испания ва Британия моделлари ҳисобланади.

Кишлоқ туризмини ривожлантириш учун
бошқарув концепциялари

Гарбий Европа давлатлари асосан экологик жиҳатта эътибор беришали. Туристик инфратузилма объектларини жойлаштириш ва реконструксия килишгә күмак кўрсатидали.

Шарқий Йевропа кишлоқ туризмини ривожлантириш учун давлат томонидан тизимли кўллаб-куватлашнинг етакчи роли билан кишлоқ жойларида турли хил дам олиш турларига йўналтирилган.

Америкаликлар тўғридан-тўғри ва билвосита кўллаб-куватлашусулларидан фойдаланган холда кичик дехкон хўжаликларида арzon жойлаштиришни таъминлайди.

Осиё концепциясига кўра кишлоқ туризмидан миллий маданият элементларини намойиш этувчи омил сифатида фойдаланиш керак.


1-чизма: Хорижда қишлоқ туризмини ривожлантириш учун менежмент концепциялари.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Франция модели		
Қишлоқда туризмни амалга оширишнинг бир қанча вариантларини чиқишиш	Асосий жойлаштириш воситаси сифатида кичик коттедж-апартментлардан фойдаланиш	Маҳаллий экологик тоза маҳсулотлардан туристларга етказиш
Туристларнинг асосий бандлигини таъминлаш		
Пиёда сайр, отларда сайр, велотуризм, вино ишлаб чиқарувчи ва бошқа агротуристик корхоналарга экскурсия қилиш.	Қишлоқ аҳолиси меҳнат ишларида фаол иштирок этиш	Пассив туризмнинг бир қанча турларини таклиф қилиш.
Қишлоқ туризмини ривожлантиришдан асосий мақсад		
Қишлоқ аҳолисини турмуш фаровонлигини ошириш	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кўллаб-куватлаш	Қишлоқ худудида пляж туризмини ривожлантириш ресурсларидан оқилона фойдаланиш

1-чизма. Қишлоқ туризми Франция модели.


МУХОКАМА

Қишлоқ туризми Францияда юқори даражада ривожланган ҳисобланиб, қишлоқ жойларида туризмнинг бир қанча турларини таклиф қилиш имкониятига эга. Францияяда туристлар асосан фаол иштирок этишади яъни қишлоқ агарар хўжаликларида йифим – терим ишларида қатнашиш, қишлоқнинг экологик тоза маҳсулотларидан мустақил равишда овқат тайёрлаш ва бир қанча актив туризм турлари билан банд бўлиш.



2-чизма. Кишлоқ туризми Британия модели.

Британия модели аҳолини эгологик билим ва табиятга бўлган муҳаббати ва масулиятини оширишга қаратилади. Мактаб болаларини қишлоқ жойларига эккурсияларга олиб бориш орқали қишлоқ ҳаёти билан таништириш ва ёшлиқдан қишлоқ ва экологик туризм ҳудудларига саёҳат қилишни ўргатиш ва табиятни асрарга эътибор беришdir.



3-чизма. Кишлоқ туризми Италия модели

Италияда ҳозирги кунда қишлоқ ҳудудларида 100 га яқин вино ишлаб чиқариш корхоналарига турмаршрутлар ишлаб чиқилган. Вино ишлаб чиқариш корхоналарига эккурсия қилиш мобойнида агротуризм ҳам амалга оширилади. Италияда қишлоқ жойларида виллалар ва курорт жойларда юқори даражадаги қулайликни хоҳловчи туристлар учун ҳам етарли ресурслар мавжуд ҳисобланади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини амалга ошириш учун ресурслар етарли даражада бўлиб, қишлоқ туризмини хориж мамлакатларининг етакчи моделларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш учун қўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

- вилоятлардаги қишлоқ туризмida фаолият юритаётган корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;
- қишлоқ ҳудудларига маҳаллий аҳоли учун ички туризм маршрутларини ишлаб чиқиш;
- хориж тажрибасида келиб чиқсан ҳолда мактаб ўқувчиларини қишлоқ жойларига эккурсияларга олиб бориш;

- минтақага келаётган сайёхларни ҳудуднинг табиатини яхши билишлари учун, Хоразм вилоятининг флораси ва фаунасини ўзида мужассам қилган каталогини ва минтақани табиати бўйича веб сайтларини яратиш лозим;
- қишлоқ ҳудудларида меҳмон уйларини кўпайтириш ва аҳолини иш билан таъминлаш;
- қишлоқ жойларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корҳоналарга эъкскурсиялар ташкил қилиш.
- етакчи хориж мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда миллий қишлоқ туризми моделини ишлаб чиқиш.

REFERENCES

1. Commission of the European Communities: 1986, Action in the field of tourism, Bulletin of the European Communities, Supplement 4/86, European Commission, Brussels.
2. Kompulla R. Rural Tourism development or tourism development customer orientation or entrepreneurial approach. – 2004. – Publication of Savonia Polytechnic, Finland.
3. Streimikiene, D., Bilan, Y. (2015), «Review of Rural Tourism Development Theories», Transformations in Business & Economics, Vol. 14, No 2 (35), pp.21-34.
4. Tourism and sustainability: from principles to practice / edited by M.J. Stabler. CAB International.London. –1997
5. Биржаков М.Б. Исторические предпосылки деревенского туризма./ М.Б. Биржаков. О.А. Новикова // Туристические фирмы. 2002. № 28. С. 13-15.
6. Сачкова В.А. Урбанизация как социальный процесс. / дис. канд. философ. наук: 09.00.11. - М.: 213.186 с.
7. Чендулаевой И. А. Проблемы и перспективы развития сельского туризма: российский и зарубежный опыт Белгород 2016
8. Биржаков М. Б. Исторические предпосылки деревенского туризма //М. Б.Биржаков, О. А.Новикова, Туристические фирмы. 2011. №28.
9. Мозгунов Н.А. Географические факторы развития сельского туризма в Центральной России. Автореф. дисс. ... канд. географ. наук. М., 2010.
10. («Программа сельского туризма во Францию». О.А.Ощепкова. Красноярск. 2019. Бакалаврская работа.).
11. «Развитие сельского и экологического туризма». ФГБОУ ВПО «Бурятская Государственная сельскохозяйственная академия имени В. Р. Филиппова»
12. <https://yuz.uz/uz/news>
13. www.stat.uz
14. www.unwto.uz
15. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони ПФ-60 сонли. 2022-йил. 28-январ.